Сенинг розилигинг ила ғазабингдан паноҳ тилайман

14:13 / 11.02.2023 1680

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам витрларининг охирида:

اللهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ، وَأَعُوذُ بِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أُحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ

«Аллоҳумма инний аъузу биризока мин сахотика ва аъузу бимуъафатика мин ъуқубатика ва аъузу бика ла ухсий сана`ан ъалайка анта камаа аснайта ъала нафсик», деб айтардилар.
Маъноси: Аллоҳим, Сенинг розилигинг ила ғазабингдан паноҳ тилайман, офиятинг ила уқубатингдан паноҳ тилайман, Сендан хавф қилган ҳолда сенга илтижо қиламан. Сенинг саноингни ҳисоблай олмайман. Сен ўзингга сано айтганингдексан.

Абу Довуд, Термизий, Насаий ривоятлари. Термизий ҳасан ҳадис дедилар.